

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

КАМИЛОВ ДИЛШОД ТЎЙЧИ ЎҒЛИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ ВА МОЛИЯВИЙ СЕКТОРЛАРИ
МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ МОНЕТАР
СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Доц. Яхшиева М.Т.

Тошкент – 2016

Мазкур магистрлик диссертация ишида иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг амал қилиши ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳамда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг аҳамиятини янада ошириш борасида илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқилган.

In this master's work considered the real economy and the financial balance of the government for improving the effectiveness of monetary policy and its coverage of the theoretical aspects as well as in ensuring a balanced development of the real economy and the financial sector to further increase the importance of the state of monetary policy was developed based on scientific findings.

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома «_____» _____ 2015 йил

Илмий раҳбар: _____

(ф.и.ш.)

(имзо)

(сана)

Магистр: _____

(ф.и.ш.)

(имзо)

(сана)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I боб. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг назарий-услубий асослари	
1.1. Иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсати тўғрисидаги турли хил назарий қарашлар, уларнинг мазмуни ва моҳияти.....	12
1.2. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари алоқадорлиги ва уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	21
1.3. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсатнинг концептуал мақсад ва вазифалари.....	28
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	35
II боб. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг амалий натижалари таҳлили	
2.1. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш.....	37
2.2. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти таҳлили.....	43
2.3. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва амалий натижалари таҳлили.....	49
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	57
III боб. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатини такомиллаштириш йўллари	
3.1. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини пул-кредит воситалари орқали таъминлашнинг объектив имкониятлари.....	59
3.2. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш йўллари.....	64
3.3. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш истиқболлари.....	70
Учинчичи боб бўйича хулосалар.....	77
Хулоса ва таклифлар.....	78
Адабиётлар руйхати.....	82

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишини таъминлаш ва унинг истиқболини илмий асосда олдиндан билиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг реал сектори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Реал сектор иқтисодиёти таркиби – бу миллий иқтисодиётдаги товар ва хизматлар кўрсатувчи турли тармоқ ва соҳалар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар ўзаро алоқада ва боғлиқликда иқтисодий фаолиятда бўладилар.

Реал сектор иқтисодиёти ички ва ташқи бозорга неъматлар ишлаб чиқарувчи, замон ва бозор талабидаги ўзгаришларга нисбатан мосланувчан иқтисодий субъектлар фаолияти йиғиндисидан иборатдир. Иқтисодиётда реал секторни самарали фаолият юритишида молиявий сектор муҳим ўрин эгаллайди.

Молиявий сектор – бу қарз олиш ва уни қайтариш билан боғлиқ бўлган амалиётни ижро қиладиган воситалар ва институтлар тўпламидир. Молиявий тизим мулк эгалигини капиталдан ажратиш имкониятини беради. Молиявий секторга банклар, суғурта компаниялари, фонд биржалари, молиявий инвестицион компаниялар, ломбардлар ва бошқа молиявий институтлар киритилади. Реал секторда ЯИМни асосий қисми яратилади ва унинг моддий ишлаб чиқарувчи энг муҳим таркибий қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ресурслар қайта ишланилиб, моддий неъматлар ва истеъмол товарлари яратилади. Уларнинг ривожланиши аҳоли даромадларини ошиши, турмуш фаровонлигини ўсиши учун имконият яратиб, таълим, тиббиёт, маданият соҳалари ривожини учун молиявий-моддий асос яратади. Иқтисодиётни барқарор ривожланиши мамлакатда моддий ишлаб чиқариш соҳалари учун яратилган ҳуқуқий-меърий шароит билан узвий боғлиқдир. Реал сектор ривожига ишлаб

чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, илмий-техник тараққиёт даражаси, пул-кредит тизими ҳолати, солиқ-бюджет тизими, давлатнинг инвестицион сиёсати, мамлакатнинг тўлов қобилияти ҳолати таъсир қилади.

Реал сектор ривожини моддий ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга йўналтирилган тўғридан тўғри капитал қўйилмалар миқдори ҳамда инновациялар таъминлайди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлаш ва энг мақбул даражада сақлаб туриш ўта муҳим масаладир.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намоен этмоқда. Бу ҳақида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўз чиқишларида: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш - монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 - 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди. Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди.

Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Давлат қарзи даражасининг пастлиги, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоиздан ошмагани ҳам мамлакатимизда эришилган ижобий натижалар ва макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланаётганидан далолат беради”- деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар¹.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бироқ тармоқларни модернизациялаш ва қайта технологик жиҳозлаш бўйича олиб борилган тадбирларда, уларнинг бажарилишида ва корхоналарни ривожлантиришда бир қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Жумладан: жаҳонда вужудга келган молиявий-иқтисодий инқироз ва хомашё нархининг кўтарилиши натижасида инвестиция маблағларининг белгиланган тадбирларни қопламаслиги; хорижий давлатлардан ажратиладиган кредит лимитларининг чегараланганлиги, шунинг учун дастурдаги белгиланган инвестицияларни ўзлаштириш масалаларининг қайта кўриб чиқиши; пудратчилар томонидан бажариладиган ишни жуда қиммат баҳога белгиланиши, ажратиладиган маблағлари бу ишларни қопламаслиги сабабли, ишни бажариш учун маблағни ўзлаштирилмаганлиги ва шу кабидир.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда реал ва молиявий секторлар мутаносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатини амалга ошириш йўллари ва механизмлари тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари

¹ Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ва жараёнлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг амал қилиши ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳамда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг аҳамиятини янада ошириш борасидаги назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланиб, мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда **тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- Иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсатининг мазмун моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганиб, унинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан ёритиб бериш;

- Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсатнинг концептуал мақсад ва вазифаларини ёритиб бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш механизмини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

- Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва амалий натижалари таҳлилинини мазмунан ёритиш;

- монетар сиёсатни амалга оширишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз банк амалиётида қўллаш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш учун иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлар мутаносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириш орқали кичик бизнесни, саноатнинг инновацион соҳаларини ривожланишини рағбатлантириш мумкинлиги, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун товар ҳамда хизматларни сотиб олишга қилган сарфлари ва жамият томонидан истеъмол этиладиган ижтимоий неъматларни такрор ишлаб чиқариш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги каби асосий масала ва илмий фаразлар илгари сурилган.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Бугунги кунга қадар иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлаш, давлат монетар сиёсати масалаларига кўплаб олимлар ўз илмий изланишларини бағишлаганлар. Россиялик Ю.Тарануха, Д.Земляков, И.Николаева, С.Цветкова, Е.Щетинино, А.Войтов, С.Мочерный, Я.Ядгаров, В.Козырев, Д.Николаев, М.Сажина, Г.Чибриков, Л.Тарасевич каби иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида иқтисодий мутаносибликнинг ички мазмуни, кўринишлари ва амал қилиш механизмлари ўз аксини топган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва барқарорлаштириш ғоялари илк бор Президентимиз И.А.Каримов асарларида баён этилган. Мамлакатимизнинг қатор иқтисодчи олимлари иқтисодий мутаносиблик муаммосининг айрим жиҳатларини ўзларининг назарий қарашлари билан бойитдилар. Улар жумласига С.Ғуломов, А.Абдуғаниев, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, А.Ваҳобов, Ш.Шодмонов, У.Ғафуров, Ш.Йўлдошев, Х.Баракаев, А.Усмонов, А.Ўринов, О.Ҳамроев, А.Маматов, Э.Шодмонов² ва бошқаларни киритиш мумкин.

²Шодмонов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2011, Ўринов А.А. Мутаносиблик – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006, Ҳамроев О.Х. Иқтисодий мувозанатликнинг назарий

Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш, иқтисодий мутаносибликни таъминлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш масалалари А.Б.Фельдман, Е.П.Жарковская, О.И.Лаврушин, Л.Н.Красавина, Г.Б.Поляк, Б.А.Белов, С.Р.Моисеев, Г.Н.Белоглазова, Л.П.Кроливецкая, Т.П.Варламова каби хориж иқтисодчилари томонидан кенг тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимизда Ф.М.Муллажонов, О.Ю.Рашидов, Ш.З.Абдуллаева, Т.С.Расулов, Р.Р.Тожиев, Н.Х.Хайдаров, И.И.Алимов, И.Бутиков, И.Р.Тоймухамедов, У.Ш.Дўсқобилов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шунингдек, кўрсатадики, олимлар томонидан узоқ йиллар давомида ёзилган адабиётларда асосан умумий мутаносиблик муаммосига эътибор берилиб, хусусий мутаносиблик масаласи тамомила эътибордан четда қолган.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт назарияси бўйича яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётларнинг аксарият қисмида айнан реал ва молиявий секторлар мутаносиблигининг мазмуни, амал қилиш шарт-шароитлари, хусусиятлари, уни таъминлашда банкларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар ва илмий хулосалар баён этилмаган. Бир қатор адабиётларда реал ва молиявий секторлар алоқадорлиги тўғрисида фикр юритилсада, улар ўртасидаги мутаносиблик ва уни таъминлашда монетар сиёсатнинг аҳамияти назардан четда қолган. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги ушбу магистрлик диссертация ишининг долзарблигини янада оширади.

асослари ва уни таъминлаш механизмлари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004, Асатуллаев Х.С. Макроиқтисодий мувозанатликни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатининг ўрни. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олишга ёзилган диссертация автореферати. - Т.: Молия институти босмахонаси, 2003. - 22 б., Баракаев Х.Б. Сближение и выравнивание как механизм всеобщего закона равновесия в социально-экономической сфере. Дис. на соискание уч. степ.д.э.н. Самарканд. 1991. Стр. 30., Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот (Ўзбекистон Республикаси мисолида). / Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2002. -280 б., Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. – Б.445, Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «IQTISOD-MOLIYA» nashriyoti, 2010. - В.728.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилган асарларида иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсатига тегишли баён қилинган қоидалар, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгилаб берилган стратегик асос ва йўналишлар, етакчи олим ва мутахассисларнинг иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсатининг мазмуни, иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсатнинг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этган йўллари, иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асарларидан фойдаланилган.

Шунингдек, илмий ишнинг маълумот базаси сифатида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг аҳамиятини янада ошириш бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Статистика давлат қўмитасининг маълумот ва материаллари кенг қўлланилган. Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш ва бошқа шу билан боғлиқ

масалаларни ривожлантиришни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсатининг мазмун моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганиб, унинг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан ёритиб берилди;

- Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсатнинг концептуал мақсад ва вазифалари ёритиб берилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш механизми таҳлил қилинди ва мавжуд тенденциялар аниқланди;

- Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва амалий натижалари таҳлили мазмунан ёритиб берилди;

- монетар сиёсатни амалга оширишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз банк амалиётида қўллаш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши таркиби кириш, уч боб, хулоса ,адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг назарий-услубий асослари

1.1. Иқтисодий мутаносиблик ва давлат монетар сиёсати тўғрисидаги турли хил назарий қарашлар, уларнинг мазмуни ва моҳияти

Иқтисодий мутаносиблик тушунчасини мазмуни ва моҳиятини билиш фақатгина илмий назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, шу билан бир қаторда жамият ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта амалий аҳамият касб этиб, уни менсимаслик ёки эътиборга олмаслик пировардида жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши, иқтисодий ресурслардан, ялпи ички маҳсулотдан фойдаланишда катта исрофгарчиликка йўл қўйилиши мумкин. Реал ва молиявий секторлар (нақд ва кредит пуллар) ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, товарлар ҳажми эътиборга олинмасдан нақд пул ва кўплаб турли хил тўлов воситалари, қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилиши жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозини келтириб чиқаргани, бундан эса бутун жаҳон иқтисодиёти зарар кўриб келаётганлиги каби кўпгина мисоллар фикримиз далилидир.

Иқтисодий мутаносиблик — иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ва бўлимлари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатидан муайян нисбатлардаги ўзаро мослик бўлиб, барқарор равишда такрорланиб турувчи доимо ривожланишда, ўзгаришда бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи умумиқтисодий категориядир.

Бугунги кунда айрим иқтисодий адабиётларда мутаносибликнинг турли кўринишларига эътибор берилиб, улар умумиқтисодий, тармоқлараро, тармоқ ичидаги, ҳудудий мутаносибликлар каби гуруҳларга ажратилади. Ушбу мутаносибликларнинг турлари, уларнинг қисқача мазмуни ва аниқ намоён бўлиш шакллари юқоридаги жадвал орқали ифодалаш мумкин эканлиги тадқиқотчи Э.Ш. Шодмонов томонидан батафсил ўрганилган(1-жадвал).

Мутаносибликнинг турлари, қисқача мазмуни ва аниқ намоён бўлиш шакллари³

Мутаносиблик турлари	Қисқача мазмуни	Аниқ намоён бўлиш шакллари
Умуиктисодий мутаносибликлар	Умуиктисодий тавсифдаги ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг турли томонлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги мутаносибликлар; 2) иктисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликлар; 3) аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ.к.
Тармоқлараро мутаносибликлар	Иктисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 2) саноат ва молия тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 3) қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 4) саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Тармоқ ичидаги мутаносибликлар	Иктисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини ташкил этувчи таркибий қисм ва бўлинмалар ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) саноатнинг ундирма ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 2) қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик; 3) чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликлар	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга сарфланадиган омилларнинг ташкил этувчи таркибий қисмлар ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги мутаносиблик; 2) маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган турли қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва ҳ.к.
Худудий (территориал) мутаносибликлар	Миллий иктисодиётнинг турли ҳудудлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) ҳудудлараро кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг турли фазаларининг узлуксизлигини таъминловчи нисбатлар; 2) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг меъёрида амалга ошишини таъминловчи соҳа ва тармоқларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича ривожланганлик нисбати; 3) ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари миқдори ўртасидаги нисбат ва ҳ.к.
Мамлакатлараро мутаносибликлар	Жаҳоннинг турли давлатлари ўртасида тақозо этилувчи маълум нисбатлардаги мослик	1) давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган иктисодий ўрни ва ролини намоён этувчи нисбатлар; 2) давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки; 3) экспорт ва импорт ҳажми жиҳатидан давлатлар ўртасидаги нисбат ва ҳ.к.

³Шодмонов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иктисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2011, 67-б.

Унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалда қўлланиши иқтисодиётнинг барқарор, тебранишларсиз, инқрозларсиз ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, иқтисодий мутаносибликлар объектив тавсиф касб этиб, такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазалари, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнлари учун хосдир. Иқтисодий мутаносибликларнинг пайдо бўлишини инсоннинг дастлабки иқтисодий фаолиятининг юзага келиши билан боғлаш мумкин. Бироқ, айти пайтда, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан иқтисодий мутаносиблик турлари кўпайиб, зарурлиги ошиб, кўринишлари такомиллашиб боради.

Жамият ижтимоий-иқтисодий тизимининг ривожланиши энг аввало ишлаб чиқариш муносабатлари ва устқурманинг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасига мос ҳолда такомиллашиб бориши орқали рўй беради. Бунинг натижасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги сезиларли даражада ўсади. Агар улар ўртасидаги мослик бузилса, ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш зарурияти пайдо бўлади. Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, жамиятдаги мавжуд иқтисодий мутаносибликларнинг мазмуни ва таркибига, улар ўртасидаги нисбатларга таъсир кўрсатади. Масалан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан паст ривожланган жамиятдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари ўртасидаги нисбат юқори ривожланган жамиятдаги нисбат билан фарқланади. Шунингдек, кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида жамғариш жараёнининг салмоғи жуда паст даражада бўлиши, баъзида эса мазкур жараён умуман амалга оширилмаслиги ҳам мумкин.

Иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида амал қилиши. Иқтисодий мутаносиблик фақат кишилиқ жамияти ҳаётига, уни амал қилишининг моддий асоси бўлган ижтимоий-иқтисодий тизимга хосдир. Тўғри, табиатда ҳам мутаносибликлар мавжуд. Масалан, Қуёш тизимидаги

сайёралар ва бошқа самовий жисмлар вазни, тортиш кучи ва ҳаракат йўналишлари ўртасидаги мутаносиблик; ер шаридаги қуруқлик ва сув ҳажми ўртасидаги мутаносиблик; йил фаслларининг ҳаво ҳароратлари, намгарчилик ва бошқа белгилари бўйича мутаносиблиги ва ҳ.к. Бироқ, бу мутаносибликлар инсонга нисбатан объектив, барқарордир. Бу мутаносибликлар ҳали инсоният шаклланмаган даврда ҳам мавжуд бўлган ва унинг хоҳиш-иродасидан ташқарида амал қилади. Иқтисодий мутаносибликлар эса инсоннинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шу жиҳатдан табиатдаги мутаносибликлардан фарқ қилади. Шу ўринда, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир бўлаги сифатида муайян мутаносибликларнинг шаклланиши ва амал қилишида иштирок этади.

Айрим мутахассислар ушбу нисбатларнинг иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасидаги фақат миқдор жиҳатдан мослигини намоён этишини таъкидлайдилар. Бу эса, фикримизча, масалага бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Чунки, мутаносибликда нисбатларнинг сифат жиҳатлари ҳам муҳим ўрин тутadi. Бу борада “Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир”⁴ деган таърифнинг ўринли эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, реал ҳаётда иқтисодий мутаносиблик тақозо этилувчи томонлар ўртасида тенглик ҳолатлари ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ривожланаётган иқтисодиётда миллий даромаднинг маълум бир қисми истеъмол қилиниб, қолган қисми жамғариш орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга шароит яратиши кўзда тутилади. Бироқ, иқтисодий таназзул шароитида миллий даромад ҳажмининг пасайиб кетиши унинг барча қисмини истеъмол қилинишига, яъни миллий даромад ва истеъмол ҳажмининг тенглигига олиб келиши мумкин. Албатта, бундай

⁴Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «IQTISOD-MOLIYA» nashriyoti, 2010. 477-б.

ҳолатлар иқтисодий мутаносиблик шартларининг бузилиши кўринишида намоён бўлади.

Иқтисодий мутаносибликлар иқтисодиётни тартибга солиш хусусиятига эга. Бунда улар иқтисодиётнинг турли томонларини ўзаро боғловчи, оқилона ҳаракатини таъминловчи меъёрий талаблар сифатида пайдо бўлади. Мазкур меъёрий талаблар ҳар бир иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ривожланганлик ва эркинлик даражасига кўра фарқланиши мумкин. Уларга амал қилмаслик иқтисодий номутаносибликлар, яъни унинг турли томонларининг мувофиқ келмаслиги натижасида барқарор ва изчил, бир маромда ривожланишнинг издан чиқишига олиб келади.

Масалан, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасида 2:1 нисбат бўлса, саноат тармоқларининг ривожланиши билан у 3:1, 4:1 нисбатларда бўлиши мумкин. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқлари ўртасида ҳам шундай ўзгариш бўлиши мумкин.

Иқтисодий мутаносибликнинг мазмунини тадқиқ қилиш натижасида иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасида уни таъминлашнинг объектив зарур деган хулосага келдик. Чунки, Иқтисодий мутаносибликнинг объектив зарурлиги унинг вазифалари орқали янада кенгроқ намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасидаги мутаносибликнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш орқали қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир маромда, барқарор равишда бориши учун асос яратиш;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- иқтисодий ресурсларнинг давлатлар, миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, ҳудудлари ва бошқа таркибий қисмлари бўйича оқилона ва самарали тақсимланишига имкон яратиш;

- жамиятдаги ялпи ижтимоий меҳнатни ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳалари ўртасида оқилона тақсимлаш ва ҳ.к.

Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигининг таъминланиши ўз навбатида иқтисодий тараққиётнинг барқарорлиги ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларига кучли таъсир кўрсатади.

Халқаро амалиётда барқарорлаштириш сиёсати бу, энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик демакдир. У мамлакатда пул қадрсизланишининг олдини оладиган, пул эмиссияси, яъни муомалага банк билетлари, барча шакллардаги пул белгилари ва қимматли қоғозлар чиқаришнинг бошқарилишини таъминлайдиган, тўлов балансини бир маромда олиб борадиган давлат сиёсати ҳамдир.

Ушбу сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда пул эмиссиясини амалга оширувчи давлат марказий банкларининг аҳамияти ҳамда уларнинг вазифалари ҳақида турли-туман илмий-назарий қарашлар мавжуд.

Жаҳон тажрибасидан барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда марказий банкларнинг аҳамиятига моҳиятан бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи икки хил ёндашув мавжуд. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида таъкидланганидек, улардан биринчиси монетар ёндашув деб аталади ва пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул массаси ҳамда тўловга қодир бўлган жамики талабни кескин камайитириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланади.

Замонавий монетаризм асосчиси АҚШлик машҳур иқтисодчи, Нобель мукофоти лауреати Мильтон Фридменнинг таъкидлашича, монетар сиёсат негизини қуйидагилар ташкил этади:

— миллий иқтисодиётни ривожлантиришда пуллар асосий соҳани эгаллайди.

— пулга бўлган талаб доимий равишда ўсиб бориш тенденциясига эга. Бунинг бош сабаби одамларда “пулларни” якка тартибда жамғаришга мойиллик мавжудлигига бориб тақалади. Бинобарин, мамлакат марказий банки иқтисодий ўсиш таъминланиши учун муомаладаги пул массасини доимий тарзда кўпайтириб бориши лозим.

— пулга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатда рўй берадиган салбий ҳолатлар ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатидаги нотўғри чоратadbирлар оқибатида келиб чиқади.

— эркин бозор ва хусусий тадбиркорликнинг ўзи иқтисодиётни тартибга солиб туради ва унинг юксалишини таъминлашга қодир бўлади. Давлат ўзининг миллий иқтисодиётга аралашувини фақат пул тизимини нормал ҳолатда ушлаб туриш билангина чеклаши керак.

Макроиқтисодий бошқарувнинг соф монетар усуллари асосан банклараро валюта савдо-сотиғида марказий банкларнинг валюта интервенциясини кучайтириш эвазига бюджетдаги тақчилликни камайитириш, кредитга пул чиқаришни қисқартириб, миллий валютанинг амал қилишини барқарорлаштиришдан иборатдир. Монетаристлар фикрича, пул-кредит сиёсати ялпи ички маҳсулот миқдорини ўзгартиришнинг ғоят қудратли воситаси саналади. Бюджетдаги тақчилликни ўзига мақбул даражада сақлаб туриш учун давлат ўз харажатларини келиб тушаётган даромадларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида уларни давлат фойдасига жиловлаб турадиган сиёсатни мунтазам равишда олиб боради.

Монетаризм тарафдорлари мамлакатда бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳеч қандай ижобий самара бермайди, деб ҳисоблашади. Уларнинг уқтиришларича, иқтисодиётни ривожлантиришда энг асосийси муомаладаги пул миқдорининг ўзгаришидир. Модомики шундай экан, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш учун давлат бюджетидан фойдаланмаслик керак.

Халқаро амалиётда юқорида айтилган монетаристик ёндашувдан фарқли ўлароқ, дунё миқёсида тан олинган иккинчи ёндашув ҳам мавжуд.

Президентимизнинг ёзишича, у ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишга кўмаклашишга, иқтисодиётдаги номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашувдир. Бунда бир меъёрга қатъий молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади, у товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштиришга хизмат қиладиган ушбу назарияга инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс асос солди. У яратган молиявий концепциянинг умумий ғоясини қуйидагилар ташкил этади:

— кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча муҳим масалаларини ресурслар таклифи асосида эмас, балки ресурслар сотувини таъминловчи “самарали талаб” нуқтаи назаридан ўрганиш лозим.

— иқтисодиёт ўзини-ўзи тартибга солиб туриш имкониятига эга эмас. Шунинг учун бу жараёнга давлатнинг кенг кўламда аралашуви муқаррар. Давлат аралашуви иқтисодиётнинг нарх-наво ёрдамида автоматик тарзда тартибга солиб туриш механизми билан алмаштирилиши лозим.

— иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқаришнинг асосий омили талабнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади. Шу боис иқтисодиётни барқарорлаштиришни талаб нуқтаи назаридан ҳал қилиш зарур. Айни мақсадда Ж.Кейнс иқтисодиётга биринчилардан бўлиб, “самарали талаб” атамасини киритди.

— бюджет сиёсати иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий дастаги ҳисобланади. Давлат бюджети ва молия сиёсатининг бош вазифаси эса ишчи кучининг бандлигини ҳамда ишлаб чиқаришни зарур воситалар билан таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, Ж.Кейнс иқтисодиётни тартибга солишда пул-кредит сиёсати, чунончи, марказий банкнинг мавқеига кам эътибор қаратган. Унинг фикрича, пул иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этмайди. Бироқ муомалада пул

микдорининг ўзгариши фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида инвестициялар ҳажмини ўзгартиради. Муомалада пул массасининг ўсиши пул таклифига таъсир кўрсатади, натижада фоиз ставкаси камаяди. Бу тадбиркорларнинг инвестицияларга бўлган талабини рағбатлантиради. Пул массаси қисқарганда, аксинча ҳолат юзага келади.

Ж.Кейнснинг энг асосий ғояси шундан иборатки, у давлат харажатларини ошириш ва ушбу маблағлар етмаган тақдирда “қарзлар ёрдамида молиялаштириш” усулини таклиф этди. Олимнинг уқтиришича, давлатнинг жорий харажатларини қарзлар ҳисобига ҳам молиялаштириш “истеъмомлга мойилликни” оширади ва шунга кўра, “инвестицияларга мойиллик” ҳам кучаяди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда макроиқтисодий барқарорлаштиришнинг юқорида тилга олинган замонавий икки мактаби ғояларига диққат-эътиборни қаратиб, шундай жумлаларни битган: “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”.

Дарвоқе, биз масалага жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижалари нуқтаи назаридан ёндашсак, юртимизда ҳозирга қадар олиб борилган иқтисодий ислохотлар ниҳоятда тўғри ва самарали бўлганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

1.2. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари алоқадорлиги ва уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни

Ўзбекистон Республикасида Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда корхоналарни узоқ муддатли кредитлаш орқали, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов инқироз шароитида иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш хусусида фикр билдириб: “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади”⁵ деб таъкидлагани муҳим аҳамиятга эга.

Банк тизими ва иқтисодий ўсиш суръатлари орасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги миллий иқтисодиёт ривожланиш босқичида кўпгина давлатларнинг тажрибаси тасдиқлаб турибди. Иқтисодий ўсиш субъектлар даромадларининг ошишига олиб келса, бу ўз навбатида молиявий хизматларга бўлган талаб ошишига ҳамда банк тизими ривожланишини рағбатлантиради. Шунингдек, банк тизимида ресурслар капитализацияси жадаллашуви орқали ресурсларнинг самарали тақсимланади ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига замин яратади.

Инқирозгача бўлган даврда жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилиб, инфляция паст ва ликвидлилик юқори бўлган шароитда банк-молия тизимида даромадлилик даражаси юқори бўлиб келган. Ушбу шароитда молия ва реал сектор ўртасидаги ўзаро номувофиқликлар

⁵ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

кузатилган. Инқирозгача бўлган даврда молия секторида юқори суръатларда ўсишининг ҳисобига реал сектордаги мавжуд муаммолар намоён бўлмаган.

Айниқса, банк-молия соҳасида инновациялар, янги молиявий инструментларни жорий қилиш тизимдаги риск даражаси ошишига олиб келди ва инқирознинг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Аслида иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим асоси ва манбаи иқтисодиёт реал секторини ривожлантириш орқали таъминланиши лозим. Ушбу фикрларни қуйидаги статистик кўрсаткичлар тасдиқлайди. Молия ва реал сектор ўртасидаги ўзаро номувофиқликлар саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётида намоён бўлади. АҚШда сўнгги 50 йил мобайнида саноат қайта ишлаш тармоғининг ЯИМдаги улуши 2 баробарга (25 фоиздан 12фоизгача) қисқарган бўлса, молия секторининг ЯИМдаги улуши 2 баробарга (3,7 фоиздан 8,4 фоизгача) ошган. Ушбу даврда саноат қайта ишлаш тармоғидан олинган даромадлар 3 баробардан (49 фоиздан 15 фоизгача) ортиқ камайган бўлса, молия секторидан олинган даромадларнинг ўзгариши 2 баробарга (17 фоиздан 35 фоизгача) ошган ⁶.

Ўзбекистон Республикасида стратегик соҳа ва тармоқларни ривожлантириш банкларнинг кредит қўйилмалари миқдорини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Тижорат банклари кредитлари таклифини ва банк кредитларининг иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Марказий банк томонидан экспортни рағбатлантириш бўйича олиб борилган девальция сиёсати маҳаллий экспортчи корхоналарнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва реал секторга ажратилаётган банк кредитларининг салмоғини ошириб бориш қуйидаги бир қатор ижобий натижаларни таъминлайди:

⁶ www.internetindicators.com

- иқтисодиётнинг пул билан тўйиниш даражаси оширилади ва мамлакатда пул тақчиллигининг олди олиниб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликни камайтиради;
- иқтисодиётдаги субъектларнинг молиявий ресурсларга эҳтиёжи кондирилиб, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш таъминланади;
- кредит орқали хўжалик субъектларининг фаолияти рағбатлантирилиб, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатилади.

Банк кредитлари иқтисодий тараққиётни таъминловчи муҳим манба ҳисобланади. Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш кўламининг оширилиши ушбу тармоқларни ривожлантириб, уларни мамлакат ЯИМдаги улушини оширишга замин яратади. Банк кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдириш ва уларни асосий фондлар билан қуроллантиришга йўналтирилади. Бундан ташқари, аҳолининг турли истеъмол товарларни сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланишнинг воситаси ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелида истеъмол кредитлари миқдорини ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки ривожланган мамлакатларда истеъмол кредитларнинг ЯИМ га, банк активлари ва кредит қўйилмаларга нисбати баҳоланиб, иқтисодий ривожланишни акс эттирувчи кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Тижорат банклари кредитларининг иқтисодиёт барқарор ривожланишини таъминлашни қуйидаги муҳим даражаларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим:

- микродаражада, яъни алоҳида тижорат банклари кредитлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали;
- мародаражада – мамлакат миқёсида банк кредитлари ҳисобига, ЯИМ нинг ўсиши, миллий даромаднинг кўпайиши, янги иш ўринларининг яратилиши.

Республикамизда иқтисодиёт реал секторини кредитлашни янада кенгайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Тижорат банклари кредитларининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланишида диверсификация даражасини ошириш лозим.

Мамлакатимиз тижорат банклари кредитларининг тармоқлар хусусияти таҳлили далолат берадики, республикамизда банк кредитларининг асосий қисми саноат тармоғига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса банкларда тармоқ хатарини келтириб чиқаради. Тижорат банклари кредитларининг битта тармоқда тўпланиши, тармоқлар ўртасидаги ўзаро номутаносибликларнинг вужудга келиши, улар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига салбий таъсирни юзага келтирди. Бу эса, алоҳида тармоқларнинг ривожланиши ва бошқа соҳалар фаолиятининг сустлашувига олиб келади. Натижада мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда унинг амалга оширилишида муаммоларни келтириб чиқаради.

Мамлакатда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда номутаносибликнинг пайдо бўлиши пул-кредит муносабатларининг издан чиқишига сабаб бўлади ва бунинг оқибатида тижорат банклари кредитлари билан боғлиқ муаммолар кўпаяди ва инфляция жараёнларни жадаллаштиради.

Тижорат банклари кредитларининг ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларининг мамлакат ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланиши ҳам миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишига салбий таъсирни юзага келтиради. Ҳудудлар ўртасида банк кредитлари ва инвестицияларнинг тақсимоотида диверсификация даражасига ва ҳудудларнинг ривожланишини ҳисобга олган амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакат ҳудудларида ЯИМ ни ишлаб чиқаришнинг ўзаро мувофиқлиги таъминланиб, мамлакатда ресурслар концентрацияси ва унинг тақсимланиш самарадорлигини оширади.

2. Тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатиладиган кредит хизматлари кўламини янада кенгайтириш. Тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти аҳолининг вақтинчалик эҳтиёжини талабга айлантиради, яъни ушбу эҳтиёж банк кредитлари орқали қондирилади.

Республикаимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга кредит хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни кўрсатиб ўтиш зарур:

- аҳоли айрим тоифаларининг тўлов қобилияти пастлиги ва оладиган даромадлар етарли даражада эмаслиги;
- олинган кредитларни айри ҳолларда мақсадсиз ишлатилиш;
- тижорат банкларида жисмоний шахсларнинг кредит қобилиятини баҳолаш бўйича такомиллашмаганлиги;
- банклар етарли ресурс базасига эга эмаслиги;
- истеъмол кредити объекти сифатида танланадиган товар ва хизматлар баҳосининг сунъий равишда оширилиши.

Ушбу муаммолар тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётига салбий таъсирини юзага келтирмоқда. Фикримизча, тижорат банкларининг аҳолига кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш салмоғини ўсиши қуйидаги ижобий жиҳатларни таъминлайди:

- мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, истеъмол жараёнини жадаллаштиради ва ЯИМ нинг барқарор ўсиши таъминланади;
- жисмоний шахсларни кредитлашда, олдиндан истеъмол омонатининг расмийлаштирилиши банк кредит хатарини камайтиради ва ушбу омонат гаров бўлиб хизмат қилади;
- банкка истеъмол кредит учун қўйиладиган омонатнинг нақд пулда қўйилиши, банкнинг нақд пул тушумлари ошишига олиб келади;
- аҳоли барча қатламларининг моддий турмуш даражасини оширади ва ижтимоий ҳимояни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги 1438-сонли қарорининг 1-

иловасига мувофиқ, тижорат банклари томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший-техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиши учун аҳолига истеъмол кредит ажратилишни кенгайтириш ва истеъмол кредитларини тенг суммаларда тўлаш механизмини жорий этиш орқали истеъмол кредити ажратиш шартларини тартибга солувчи Марказий банк ва тижорат банклари меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси белгилаб берилди. Ушбу қарорнинг бажарилиши натижасида, аҳолининг эҳтиёжлари банк кредитлари орқали талабга айланади ва мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш ҳажмига ижобий таъсир этади. Республикамизда ЯИМ нинг барқарор ўсишини таъминлаши ва миллий иқтисодиёт тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида истеъмол кредити мамлакат иқтисодиётидаги ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий муҳим восита деб қараш мумкин. Макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган ЯИМ нинг юқори суръатда ўсишини, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар реализацияси ҳажмининг кўпайиши билан таъминлайди. Истеъмол кредити иқтисодиётда нақд пул айланишини қисқартириш ҳисобига нақдсиз тўловлар салмоғини оширади. Ушбу натижалар мамлакатда инфляция даражасини жиловлаш, ишсизликнинг олдини олиш ва яширин иқтисодиётнинг қисқаришига туртки беради.

3. Ўзбекистон Республикасининг стратегик тармоқ ва соҳаларни кредитлаш бўйича сиёсатини такомиллаштириш. Ҳар бир мамлакатда юқори суръатда ривожланиш ва тараққиётни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ривожланишида эса молиявий муаммоларни ҳал этиш, банк кредитлари орқали уларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дуёнинг аксарият мамлакатларидаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам аграр соҳани молиялаштириш масаласи давлат томонидан тартибга солинади ва имтиёзли кредитлаш амалиётидан фойдаланилади. Чунки ушбу соҳада мамлакат миллий даромадининг асосий қисми шакллантирилади ва мамлакат ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашнинг самарадорлиги эса бевосита мамлакатда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ЯИМ даги улуши ортишига олиб келади. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига йўналтириш ва чуқур таркибий ва технологик қуроллантириш жараёнларига сафарбар этиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ресурсларнинг теқис тақсимланиши ушбу тармоқларнинг нормал ривожланишига шароит яратади. Худди шундай жалб қилинаётган хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларидаги тақсимотини оптималлаштириш йўли билан уларнинг самарадорлиги ва миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ролини ошириш мумкин.

Мамлакатда самарали инвестиция сиёсатини юритиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бу эса мамлакат инвестиция сиёсатининг бош ғояси ва асосий йўналишларини аниқлаб бериши ҳамда камида 25-30 йилга ишлаб чиқилиши зарур. Мазкур концепцияда инвестицион ресурслар салоҳияти, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида уларни тақсимлаш тамойиллари олинadиган натижалар прогнози акс эттирилиши лозим. Концепцияни амалга ошириш миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш орқали ривожлантирилиши кўзда тутилаётган тармоқлар ва ҳудудларнинг, бозор инфратузилмаларининг тараққиётига хизмат қилиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш орқали эришилади. Молия тизимида

тўпланган маблағларни реал сектор корхоналарини молиялаштиришга йўналтириш ва уларнинг барқарор ривожланишига замин яратади.

1.3. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсатнинг концептуал мақсад ва вазифалари

Ҳар бир давлатда иқтисодиёт турли макроиқтисодий сиёсат усуллари орқали бошқарилади. Шу усуллардан бири бўлиб, Марказий банкнинг монетар сиёсати ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам миллий пул бирлиги барқарорлигини таъминлаш ва уни самарали бошқариш, монетар сиёсат воситаларининг мақсадли даражаларига эришиш, банк тизимининг ликвидлигини ҳамда молиявий бозорлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш Марказий банк зиммасига юклатилган. Молия-банк тизимининг ривожланиши, унинг фаолиятини сифат жиҳатдан яхшиланиши, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири доирасида катта аҳамиятга эга. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “... Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда”⁷.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи пул-кредит механизмларининг такомиллашув даражасига узвий боғлиқдир. Бу эса, иқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида, ва муваффақиятли бартараф этишда ҳамда монетар сиёсат инструментларининг (қайта молиялаштириш ставкаси ва

⁷ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 56-б.

мажбурий захиралар меъёри) таъсирчанлигини оширишда тўсиқ бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланиши ва ҳал қилинишини тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий хўжаликнинг самарали фаолият юритиши учун монетар сиёсат орқали пул муомаласини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Пул-кредит сиёсати давлат йўли билан молия соҳасини тартибга солиш усулларида бири бўлиб у жамиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик умумий нарх-наво ўсиши суръатларининг пастлиги, ижтимоий хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги, тўлов балансининг қониқарли аҳволдалиги ва миллий валютанинг ташқи бозорлардаги барқарорлиги каби кўрсаткичларда акс этади. Умумда давлат иқтисодий сиёсатини таркибий ва ажралмас қисми сифатида монетар сиёсат мамлакатда нархлар барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш ва уни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши аллақачон жаҳон тажрибасида исботланган. Марказий банк белгиланган макроиқтисодий ҳолатга тўғридан-тўғри эриша олмайди, чунки унинг вазифалари директив тусда эмас. Марказий банк иқтисодиётни пул-кредит сиёсати усуллари ва дастаклари орқали билвосита тартибга солиб туради. Бунда усул ва дастаклар билан пировард макроиқтисодий мақсадлар оралиғидан энг приоритетлисини танлаш зарурати туғилади.

Фикримизча, оралиқ мақсадларга эришиш пировард мақсадларга эришишни таъминлаб беради. Шундай экан, унга эришишни енгиллаштириш учун пировард мақсадларга олиб борадиган оралиқ мақсадларни белгилаш талаб этилади. Оралиқ мақсадларни танлаш вақтида Марказий банк одатда унинг асосий индикаторларига нисбатан қуйидаги муҳим талабларни қўяди:

- оралиқ мақсад осон ўрганиш мумкин бўлишлиги;
- уни Марказий банк назорат қила оладиган бўлиши;

- пировард ягона мақсад билан оралиқ мақсадни яқин алоқада бўлиши.

Шунингдек, Марказий банкнинг монетар сиёсатида концепцияси маълум мақсад ва вазифаларига амал қилиши кўзда тутилмоқда. Монетар сиёсатнинг концептуал мақсад ва вазифаларини амалга ошириш воситалари ва усуллари икки асосий гуруҳга бириктириш мумкин:

- Биринчи гуруҳни пул-кредит ва банкни бошқариш анъанавий воситалари гуруҳи деб номлаш мумкин. Бунга ҳисоб ставкалари, захира лаш меъёрлари, банк муассасаларини тартибга соладиган меъёрлар, пул бозоридаги операцияларни киритиш мумкин.

- Иккинчи гуруҳни селектив воситалар ва шартномалар гуруҳи деб номлаш мақсадга мувофиқдир. У Марказий банк ҳақидаги анъанавий тасаввурда назарда тутилмаган бошқа восита ва усуллари ўз ичига олади. Уларга Марказий банк ва кредит муассасалари ўртасидаги ўтиш иқтисодиёти тузилмавий вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган махсус битимларни киритиш мумкин. Марказий банк давлат сиёсати доирасида жамғармалардан кредитларни воситачиларга ва улардан эҳтимолий олувчилар ва фойдаланувчиларга ўтказадиган тармоқни такомиллаштиришга кўмаклашиши лозим.

Президентимиз ўз асарларида алоҳида эътиборни бугунги кунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимида жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасида кўрилиши керак бўлган қўшимча чора-тадбирни амалга оширишни таъкидлайдилар ⁸ Бунда диққатни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтиришга қаратиш муҳимдир.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни молиявий-иқтисодий, бюджет ва банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялаш жараёнида давлат иштирокининг кескин камайиши иқтисодиёт субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашнинг янги молиявий манбаларини излашга мажбур этди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳасини инвестициялашга мўлжалланган маблағларнинг асосий қисми авваламбор пул шаклида бўлади. Пулнинг инвестицияга айланиш жараёни турлича кўринишда амалга оширилади. Хўжалик субъектлари маълум пул маблағларига эга бўлган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатиш объектларини ташкил этиш, кенгайтириш ва мукаммаллаштирилиши инвестициялаш жараёнининг оддий шакли ҳисобланади. Лекин бошқа ҳолларда жамғармаларнинг инвестицияга айланиши мураккаб кечади. Гап шундаки, аҳолининг кўпчилик қисми ишлаб чиқаришни бошқариш кўникмасига ва уни ташкил этиш учун минимал маблағларга эга эмаслиги бевосита инвестицияларни амалга ошириш имкониятини бермайди. Капитал қуйилмалар объектига кўра инвестициялар реал ва молиявий турларга бўлинади.

Шу билан бирга, “кейнсчилик” ва Кейнс таълимоти издошлари ўз қарашларида молиявий секторнинг иқтисодиётнинг беқарорлигига ва циклигига таъсирини таҳлил этишда ягона қараш мавжуд эмас. Кейнс фонд бозори фаолияти натижасида тизимнинг беқарорлиги ҳақида гапирар экан, ҳозирги замон фонд бозорлари реал инвестицияларни молиялаштириш учун фаолият юритишларини назарда тутмади, балки аксинча уларни фонд бозори

фаолиятининг натижаси сифатида ўрганилди. Шу ўринда Кейнс реал ва молиявий инвесторлар қарорлари ва фаолиятига юқори баҳо бериб, акциялар курсининг пасайиши капитал самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблади. Капитал самарадорлигининг юқори нуқтасини реал инвестициялар фойдалилигининг кутилиши, деб билди. Реал инвестицияларни акциялар котировкаси тебраниши билан, котировка эса, уларнинг келажакдаги динамикаси ҳақидаги фикрлар орқали белгиланади.

Ҳақиқатда реал инвестициялар қандай амалга оширилади? Демак, шундай инвесторлар борки, улар фикрлар динамикасини баҳолашни эмас, ишлаб чиқариш воситаларини харид қилишни устун қўйишади. Реал инвесторлар келажакда ўз инвестицияларининг самарадорлигини баҳолаш учун маълумот йиғадилар.

Фонд бозори томонидан таъминланадиган индивидуал қўйилмалар ликвидлигининг юқорилиги уларнинг реал секторга оқиб ўтишини кучайтиради.

Таъкидлаб ўтиш керакки, асосий эътиборни бизнеснинг узок муддатли фаолиятига эмас, балки биржа котировкаларига қаратган молиявий инвесторлар томонидан реал инвестициялар амалга оширилиши беқарорлик муаммосининг чуқурлашувига олиб келади. Агар молиявий сектор реал сектордан устун бўлса, ундаги чайқовчилик характери инвестицион қарорларни башорат қилиш янада қийинлашади. Цикл фазасини белгилаб берувчи инвестицияларнинг ҳақиқий ҳажми ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб ва таклиф нархларини солиштириш, шунингдек, инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг ҳаммабоплиги билан белгиланади. Биринчи омил инвестицияни киритиш тўғрисидаги қарорни, иккинчиси эса кутилаётган даромад баҳолангандан сўнг инвестициялар ҳажмини белгилаб беради.

Молиявий ресурслар тақсимланмаган фойда ва банк кредитларидан ташкил топади. Банк кредитларининг ҳажми келажакдаги конъюнтура

ўзгаришлари туфайли кредиторлар рискларини субъектив баҳолашга боғлиқ. Бу рисклар капитал қўйилмалар талаб ва таклифининг нархини тўғрилаб турувчи (корректировка) омиллар ҳисобланади.

Айрим иқтисодчилар фикрича, нархларга таъсир қилувчи асосий омил – инвестицияларни молиялаштириш жараёнида иқтисодиётда тўпланган қарзнинг катталигидир. Қарзнинг кўпайиб (тўпланиб) бориши билан банк кредитларини жалб қилаётган реал секторнинг қарамлиги ошиб боради. Циклнинг ўсувчи фазаларида эса реал секторнинг кредитдан қарамлиги ўсиши билан бирга унинг ҳаммабоплиги камайиб боради. Иқтисодиётда молиявий бозорларнинг меъёрида фаолият юритиши натижасида иқтисодиётни “бум” ҳолатига олиб келади бу эса ўз навбатида молиявий инқирозни келтириб чиқаради. Демак молиявий беқарорлик гипотезасига кўра, реал инвестицияларни молиялаштириш учун қарзнинг кўпайиб (тўпланиб) бориши капитализмни цикли динамикасининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида рўёбга чиқади.

Бошқарувчи ва акциядорлар (яъни, реал ва молиявий инвесторлар) мақсадларининг турлича бўлиши ва фонд бозорининг реал секторга таъсирининг йўқлиги Кейнс таълимоти издошлари бўлган Т. Н. Пэлли қарашларининг асосини ташкил қилади. Унинг фикрича, бошқарувчилар фирманинг инвестиция сиёсатини назорат қилиш орқали маълум вақтдаги инвестициялар ҳажмини белгилаб беришади. Инвестицияларни амалга оширишда фақатгина кутилиш асосий ўрин эгаллайди. Акциядорлар фирмага эгалик қилган ҳолда фонд бозорида унга эгалик қилиш ҳуқуқини сотишади, кутилиш эса акциялар котировкасида мужассамлашган фирмани баҳолашда аҳамият касб этади.

Шундай қилиб реал инвестициялар ҳажми бозордаги кутилиш билан эмас, балки уларнинг келажакдаги даромадлилиги баҳоловчи бошқарувчилар томонидан белгиланади. Улар томонидан амалга оширилган инвестициялар

реал товарларга талабни пайдо қилади, ялпи ишлаб чиқаришнинг кўпайишига ва асосий капиталнинг кенгайишига олиб келади.

Миллий иқтисодиётимизда реал секторига инвестицияларнинг катта қисми (82,5 фоизи) марказлашмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Инвестицияларнинг асосий молиялаштириш манбалари бўлиб корхоналарнинг ўз маблағлари (31,9 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (21,2 фоиз) ташкил этади ва улардан фойдаланишда ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инвестициялаш жараёнида аҳоли маблағларининг (18,4 фоиз) ўрни салмоқлидир ва ўсиш жиҳатидан энг юқори ўринни (129,2 фоиз) эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги пайтда молиявий сектор мураккаб тизим сифатида фаолият юритмоқда. Унинг иштирокчилари реал товарлар муомаласидан ажралган ҳолда молиявий активларнинг муомаласини амалга оширишлари мумкин. Молиявий сектор таркибида молиявий инструментлар билан операцияларни амалга оширадиган турли хил молиявий бозорлар киради. Молиявий секторнинг асосий вазифаси-бўш пул ресурсларининг иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари ўртасида самарали қайта тақсимлашдир. Молиявий секторнинг ишламаслиги реал сектор субъектларини ўз жамғармалари даражасидан келиб чиқиб инвестицияларни амалга оширишга мажбур этади.

Шу билан бирга, глобализация шароитида молиявий секторнинг ўрни ошиб боради, молиявий бозорларнинг кўлами кенгайиб улар реал сектордан ажралган ҳолда эркин фаолият юритади. Молиявий капитал учун ишлаб чиқариш соҳасидан ажралган ҳолда мустақил кўпайишига янги имкониятлар пайдо бўлади. Бунга мисол сифатида оффшор ҳудудлар, ижтимоий фондлар маблағларига молиявий чайқовчиликларга жалб қилишни, молиявий инструментлари ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Кунлик товар ва хизматлар савдоси ўтган асрнинг 70-йилларига нисбатан 50 фоиз ўсгани

ҳолда, жаҳон валюта бозоридаги битимлари ҳажми 1 млрд. доллардан ҳозирги кунда 3-4 трлн. долларга етди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Мазкур диссертация ишининг биринчи бобини тайёрлаш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бироқ тармоқларни модернизациялаш ва қайта технологик жиҳозлаш бўйича олиб борилган тадбирларда, уларнинг бажарилишида ва корхоналарни ривожлантиришда бир қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқда. реал ва молиявий секторлар муносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни амалга ошириш орқали қуйидаги иқтисодий-ижтимоий самараларга эришилади:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдор ҳамда сифат жиҳатидан ўсади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади;
- жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакат экспорт салоҳияти ўсади.

II боб. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг амалий натижалари таҳлили

2.1. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини кенг қўламли ислоҳ қилиш жараёнида муҳим институционал ва тузилмавий ўзгаришларга эришилди. Икки босқичли банк тизими яъни, Марказий банк ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари асосида тижорат банклари тизими ташкил этилди ва ривожланмоқда. Бундан ташқари банкларимизнинг етакчи хорижий банклар билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгаймоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан банк тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, тижорат банклари капиталлашувини янада жадаллаштириш борасидаги фармонларига мувофиқ қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида корхона ва ташкилотлар томонидан инвестицияларга бўлган талабнинг маълум даражада ўсишига эришилди.

Шунингдек, ликвидлилик устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги ва бу асосда макроиқтисодий муҳитнинг етарли даражада ривожланаётганлиги банк тизими фаолиятини нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Демак, банк тизимининг кейинги тараққиёти иқтисодиётнинг реал тармоғидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий муҳитнинг яхшиланиши билан боғлиқдир. Бундай ижобий муҳитни банк тизимига, айниқса, Марказий банк фаолиятига давлат ташкилотларининг аралашувини чеклаш ва улар мустақиллигини таъминлаш орқали вужудга келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қуйидаги инструментлардан фойдаланади:

1. Мажбурий захиралар сиёсати;
2. Ҳисоб ставкалари сиёсати;
3. Очiq бозордаги операциялар сиёсати;
4. Валюта сиёсати ва шу кабилар.

Мазкур усуллар жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усуллар ҳисобланиб, уларнинг қўлланиши ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ да кўпроқ очiq бозордаги усуллар қўлланилса, Германияда кўпроқ мажбурий захиралар қўлланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банкининг муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар инструментида фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати, ҳозирги кунда Республика Олий Мажлиси ва Ҳукумати томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилади.

Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини тартибга солиш юзасидан мавжуд тартибларига мувофиқ, тижорат банклари мажбурий захираларни Марказий банкда сақлайдилар.

Мажбурий захиралар бу — тижорат банкларининг депозит операциялари натижасида вужудга келган банк ресурсларининг Марказий банкда фоизсиз ҳисоб рақамда сақланиш талабидир. Бу эса, ўз навбатида бевосита кредитлаш имкониятларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради.

Мажбурий захиралар сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Мажбурий захиралардан пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланиш даражаси, уларга фоиз ҳисоблаш тартиби, мажбурий захиралар меъёрининг миқдори, уларни табақалаштириш каби кўрсаткичлар бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Бундай фарқларнинг мавжудлиги, асосан, миллий

иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятлари, пул муомаласи соҳасидаги вазият каби омиллар билан таърифланади.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мажбурий захиралар меъёрини кескин пасайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, биринчидан, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш жараёни ҳозирги кунда муомаладаги пул массасининг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, республикамизга ҳамон тайёр маҳсулотларни сезиларли миқдорда четдан келтирилиши потенциал инфляция манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги босқичдаги иқтисодиётни тартибга солиш тадбирлари инфляцияга қарши қаратилган бўлиши керак. Иккинчидан, мажбурий захиралар пул базасининг, унинг динамикасини олдиндан кўра билиш мумкин бўлган қисми сифатида, пул-кредит сиёсатининг муҳим объекти ҳисобланади. Шунингдек, Мажбурий захиралар орқали Марказий банкнинг кредитлар ва фоиз ставкаларига қай даражада таъсир этаётганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Мажбурий захиралар миқдорини ташкил қилишдан асосий мақсад банк тизимининг ликвидлилигини таъминлаган ҳолда маълум даражада жамғармачилар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Тижорат банки ўзларининг фаолияти давомида бу фонддан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу фонд тижорат банкига унинг фаолияти тугатилганидан кейин қайтарилиши мумкин, қайтарилган маблағлар махсус тузилган тугатувчи комиссия счётига қайтарилади. Бу маблағ банк мажбуриятларини қоплаш мақсадида ишлатилади. Мажбурий захиралар миқдори ўз табиатига кўра ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий усул сифатида қаралиши мумкин.

Иқтисодий усул сифатида муомаладаги пул массасини чеклаш орқали пул бирлигининг харид қувватини мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда банк ликвидлилигини таъминлайди.

Мажбурий захираларнинг Марказий банк томонидан пул массасини назорат қилиш даражасига таъсирини мултипликация жараёни орқали яққол кўриш мумкин. Барча пуллар, муддатсиз депозитлар шаклида бўлади ва ушбу депозитларга нисбатан захира талабномаси мавжуддир. Демак, Марказий банк пуллар таклифига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига эга. Яъни у барча пуллар миқдорини оширмоқчи бўлса, захиралар талабномасини оширади, ва аксинча, пуллар миқдорини камайтирмоқчи бўлса, захиралар талабномасининг миқдорини қисқартиради. Чунки мултипликациялашув даражаси мажбурий захиралар меъёрининг миқдорига боғлиқдир. Мажбурий захиралар меъёри эса, мутлақо Марказий банк ихтиёридадир.

Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати

Дисконт инглизча Дислоунт – «скидка» сўзидан олинган бўлиб – банк амалиётидаги ҳисоб ставкасидир.

Дисконт сиёсати – Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

Фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталидан фойдаланганлиги учун тўланадиган қўшимча қийматдир. Фоиз ставкалари одатда фойда нормаси орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Қайта молиялаштириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган кредитларнинг берилиш шартларини ўзгартириш йўли билан пул бозори ва капитал бозорининг ҳолатига таъсир қилишдир. Шуниси диққатга сазоворки, қайта

молиялаштириш қимматли қоғозларни гаровга олмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида қайта молиялаштириш сиёсатидан иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Буни асосан республикамиз тижорат банкларининг Марказий банк кредит ресурсларига сезиларли даражада боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банкнинг кредит ресурслари мамлакатимиз банк тизимининг умумий ресурсларининг катта қисмини ташкил этади. Республикамизда бир қатор етакчи тижорат банкларида марказлашган кредит ресурсларнинг салмоғи бирмунча каттадир.

Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай банклар етакчи тармоқларни кредитлашга мўлжалланган давлат дастурларини бажаришда республика ҳукуматининг ўзига хос агенти вазифасини ўтайдилар. Республикамиз шароитида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланганлиги учун, давлат дастуридаги маблағларнинг асосий қисми унга йўналтирилади.

Марказлаштирилган кредит ресурсларининг узлуксиз пролангация қилиниши, уларни амалда қайтариб олинмайдиган молиялаштиришга айланиб қолишига олиб келади. Бу эса, қайта молиялаштириш сиёсатидан пул бозорига таъсир этиш мақсадида фойдаланиш самарадорлигини кескин пасайтиради. Шу сабабли, марказлашган кредит ресурсларини қайтариш муаммосини ҳал қилиш ниҳоятда муҳимдир. Давлат дастурлари асосида ажратилаётган марказлашган кредит ресурслари учун Давлат бюджети маблағлари таъминланганлик асосини ўташи лозим. Бошқа тадбирларга ажратилаётган маблағлар учун эса, албатта, гаров ёки кафолат механизми кенг қўлланилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига лимитлаштирилган ҳажмда марказлашган кредитлар берапти.

Ушбу кредит ресурслари учун ўрнатилган фоиз ставкалари орқали, Марказий банк тижорат банкларининг фоиз ставкаларига таъсир қилишга ҳаракат қилмоқда. Йирик тижорат банклари кредит ресурсларининг сезиларли қисмини Марказий банк ресурслари ҳисобидан ташкил топиши қайта молиялаштириш сиёсатини кредит эмиссияси ҳажмига кучли таъсир қилишига сабаб бўлди. Айниқса, тижорат банкларининг кредитларини фоиз ставкаларига нисбатан чекланишнинг жорий қилиниши Марказий банкнинг кредит ресурслари бозорига таъсирини кескин оширди. Шу билан бирга, Республика Марказий банки қайта молиялаштириш сиёсатидан кредитларни халқ хўжалик тармоқлари бўйича танланма тақсимлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланди.

Германия амалиётида махсус ломбард кредитлари ҳам вақти-вақти билан қўлланилиб туради. Бундай кредитнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга тўланадиган фоиз ставкаси ҳар куни ўзгариб туриши ва хоҳлаган вақтда тўхтатилиб қўйилиши мумкин.

Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари

Марказий банкнинг монетар сиёсатини асосий инструментларидан яна бири бу – Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларидир. Марказий банкнинг очик бозор сиёсати шундан иборатки, қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиб, бунда тижорат банкларининг қизиқишларини уйғотишдир. Очик бозордаги операциялар деганда Марказий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан очик бозордан қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши тушунилади. Очик бозорда амалга ошириладиган операцияларда катта миқдордаги хилма-хил қимматли қоғозлар иштирок этади. Улардан энг асосийлари сифатида Давлат хазина мажбуриятлари, Давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО), саноат облигациялари ҳамда Марказий банк томонидан белгиланган бошқа қимматли қоғозларларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу қимматли қоғозларнинг бир қисми пул бозорига тегишли бўлса,

иккинчи қисми капиталлар бозорига тегишлидир. Масалан, Давлат хазина мажбуриятлари пул бозорига тегишли бўлса, саноат облигациялари ва ДҚМО капиталлар бозорига тегишлидир.

Марказий банкнинг монетар сиёсати таъсирчанлигини ошириш учун Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун биринчидан, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиш, иккинчидан, унга бевосита ва билвосита таъсир этадиган омил — мулкчиликни (хусусийлаштиришни) тўғри ташкил қилиш лозим, учинчидан, унда иштирок этадиган асосий омма — халқнинг даромадларини ошириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

2.2. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш натижалари

Тижорат банкларининг капитали ва депозит маблағларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролининг янада кенгайишига, активлар ва кредит қўйилмалари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди. Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 3,1 баробарга, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий қиймати эса 3,7 баробарга кўпайди ва бу ҳолат иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда банк тизимининг ролини тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жами активлари 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 25,1 фоиздан зиёдга ўсиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 65,2 трлн. сўмни ташкил этди (1-диаграмма).

Тижорат банклари жами активлари динамикаси⁹, (млрд. сўмда)

Шу жумладан, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 2015 йилда 27,3 фоизга ошиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 42,7 трлн. сўмни ташкил этди (2-диаграмма).

Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг 86,7 фоизи ички манбалар ҳиссасига тўғри келади.

2015 йилда иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 27,7 фоизга ошиб, уларнинг тижорат банклари жами кредит портфелидаги салмоғи 79,8 фоизни ташкил этди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

2-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Банклар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. 2015 йилда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 10,2 трлн. сўм ёки 2014 йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди (3-диаграмма)

.3- диаграмма

Инвестицион кредитлар динамикаси¹⁰, (трлн. сўмда)



¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошишида ўз аксини топмоқда. Бизнес юритиш, жумладан, банк фаолиятини амалга ошириш шароитларининг яхшиланиши ва жорий этилган имтиёзларнинг ижобий таъсири натижасида 2015 йил мобайнида мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар суммаси 2014 йилдагига нисбатан 32,3 фоизга ошиб, 12,1 трлн. сўмни ташкил этди (10-диаграмма).

Шундан, 2,5 трлн. сўми соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошди. «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 362 млрд. сўм миқдорида ёки 2014 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди. (4-диаграмма)

4-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар.

Омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, республика банк тизими ликвидлиги ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий ҳолати устидан тизимли назорат амалга ошириб борилди. Тижорат банклари ва уларнинг муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида капитал етарлилиги, ликвидлик, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк Бошқарув органларининг фаолияти мунтазам равишда таҳлил қилиб келинмоқда. Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли захираларнинг тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш мақсадида банклар активларининг ҳолати қатъий назоратга олинган.

Банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш бўйича ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти доимий мониторинг қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори талабларига мувофиқ, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капитал етарлилиги, ликвидлик бўйича талабларни кучайтиришни, Базель III тавсияларини босқичма-босқич жорий этишни кўзда тутувчи Марказий банкнинг бир қатор меъёрий ҳужжатлари янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилди, 1 та низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, ушбу ҳужжатларда:

— регулятив капитал етарлилик даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 10 фоиздан 14,5 фоизга етказиш, I даражали капитал етарлилик

даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 5 фоиздан 11 фоизга оширишни кўзда тутувчи меъёрлар белгиланди;

– активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш механизми такомиллаштирилди, инвестиция портфелининг сифатини таснифлаш тартиби жорий этилди;

– банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди, банкка алоқадор бўлган шахслар таркиби ва банкка алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси аниқлаштирилди;

– банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга талаблар кучайтирилиб, ликвидлиликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштиришнинг янги меъёрлари ўрнатилди.

Аҳоли омонатлари хавфсизлигини ва депозит операциялар шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

– омонатлар бўйича кунлик ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини қўшимча равишда текширувдан ўтказиш мақсадида якуний назорат хизмати жорий этилди;

– омонат маблағларининг бут сақланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир тижорат банки веб-сайтида «шахсий кабинет» хизмати ташкил этилди.

«Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми тўғрисида»ги Низом қабул қилиниб, тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариш динамикасини доимий равишда мониторинг қилиб бориш орқали фоиз ставкалари асоссиз ўсишининг олди олинди. Тижорат банкларининг

корпоратив бошқарувига талаблар кучайтирилиб, банк Кенгашлари ва Бошқарувларининг ваколат ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилди, касбга оид этика ҳамда ошкоралик ва ахборотни ошкор қилиш борасида меъёрий талаблар ўрнатилди.

Бугунги кунга келиб республикамизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга. 2015 йилда «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини яна бир бор «барқарор» деб баҳолади. 2015 йилнинг июль ойида «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларига кетма-кет олтинчи йил «барқарор» рейтинг баҳосини берди. Мазкур халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банклари фаолиятининг даромадлилиги, активлари сифати ва ликвидлигининг юқорилиги, мижозлар депозитлари ва капиталининг етарли даражада ўсишини республика банк тизими барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омиллари сифатида алоҳида қайд этмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда банк тизимини эркинлаштириш, ислоҳ қилиш ва унинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги ролини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. Хусусан, мазкур халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган «Бизнесни юритиш – 2016» мамлакатларнинг янги рейтингида Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 та давлати орасида 54 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

«Кредитлар олиш индекси» бўйича Ўзбекистон банк тизими кўрсаткичлари олдинги йилга нисбатан бир йўла 63 поғонага ёки 105-ўридан 42-ўринга кўтарилди. (5-диаграмма).

5-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Республика банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида самарали тадбирларнинг изчил ва узлуксиз равишда амалга оширилиши натижасида ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз рейтинги сўнгги 3 йил ичида 112 поғонага кўтарилди.


2.3. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва амалий натижалари таҳлили

Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишда асосий эътибор банк тизимида ортиқча ликвидликни шакллантирувчи ва инфляцион босимнинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган омилларга қаратилди. 2015 йилда банк тизими соф ташқи активлари кўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликнинг инфляцион босимга таъсири олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан ўтказиб борилган стерилизация операцияларининг ўртача ойлик ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,1 мартага

ошди. Бу эса пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди. (6-диаграмма).

6-диаграмма

Марказий банк томонидан амалга оширилган стерилизация операциялари ҳажмининг ўзгариши динамикаси¹¹, млрд. сўмда



2015 йилда мажбурий резерв талаблари инструментида тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилди.

Бунда мажбурий резерв меъёрлари инфляция ва пул массасининг 2015 йилга белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан ушлаб турилди.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Тижорат банкларининг мажбурий резервлари ҳажми жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ошишига мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Натижада 2015 йилда тижорат банклари ресурс базасининг кенгайишига мос равишда Марказий банкдаги мажбурий захиралар ҳажми 813 млрд. сўмга кўпайди (7-диаграмма).

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқариш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилди. (7-диаграмма)

7-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Инфляция даражаси, пул массасининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январидан йиллик 10 фоиздан 9 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб турилди. Умуман олганда, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ушбу тадбирлар пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

2015 йилда пул бозорида, шу жумладан, тижорат банкларининг депозит ва кредит операциялари бўйича ўрнатилган фоиз ставкалари пасайиш динамикаси кузатилди. Жумладан, 2015 йил 1 январидан қайта молиялаш ставкасининг 1 фоизли бандга пасайтирилиши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида 2015 йилда жами депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 7,7 фоиздан 6,7 фоизгача пасайди. Шунингдек, 2015 йилда пул

бозорида ҳам молиявий ресурслар нархларининг арзонлашиши кузатилиб, банклараро кредит операциялари бўйича ўртача фоиз ставкаси 2015 йилнинг биринчи чорагида кузатилган ўртача 9,7 фоиздан йил охирига келиб 9,2 фоизгача пасайди. Ўз навбатида, депозитлар ва банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига хизмат қилди. Хусусан, 2015 йилда тижорат банкларининг кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йиллик ҳисобда 10,5 фоиздан 9,5 фоизгача пасайди.

2015 йилда валюта сиёсати миллий валюта алмашув курси кескин тебранишлари олдини олишга, инфляциян жараёнларни жиловлашга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бунда валюта бозорини самарали тартибга солиш мақсадида валюта курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегиясини қўллаш орқали сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди. Натижада 2015 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 16 фоизга пасайиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2810 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди. Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди. Мазкур даврда сўмнинг Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан алмашув курси 11 фоизга, еврога нисбатан 2,8 фоизга, Хитой

юанига нисбатан 15,8 фоизга, Япония иенасига нисбатан 17 фоизга ва Жанубий Корея вонига нисбатан 8,7 фоизга пасайди.

2015 йилда банк тизимида амалга оширилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди. Ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, жумладан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсиялари (Базель III) асосида такомиллаштириш;
- банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;
- банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириб бориш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;
- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса,

қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш кўламларини янада кенгайтириш;

– мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришиш;

– молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андоза ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

2015 йилда банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишларда ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011 – 2015 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурининг якунловчи йилида мазкур дастурда белгиланган банк тизими фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди. Бунда банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари халқаро мезонларга мувофиқ «юқори даражада»ги баҳоларга мос келмоқда. Жумладан, 2015 йил якуни бўйича банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 23,6 фоизни, шунингдек, ликвидлик даражаси 64,5 фоизни ташкил этди. Капитал етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса 2 марта кўпдир.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларининг 4 295 та мини-банки ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2 221

таси қишлоқ жойлардаги аҳоли ва фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни бевосита яшаш жойларига бориб қабул қилиш мақсадида 505 та ихтисослаштирилган кўчма кассалар хизмати ташкил этилган.

Банк-молия хизматлари бозори инфратузилмасини халқаро мезонлар асосида ривожлантириш мақсадида Кредит ахбороти миллий институти, гаров реестри тизими ва «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси фаолиятлари такомиллаштириб боришмоқда. Ҳозирда тижорат банкларининг барча филиаллари интернет тармоғи орқали «garov.uz» сайтига уланиб, гаров муносабатларига тегишли барча маълумотлар «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси маълумотлар базасига киритилиши таъминланмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисоб варақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди. Банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йил давомида муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2 баробардан зиёдга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 16,3 млн. данадан ортиқни ташкил этди (8-диаграмма).

8-диаграмма

Муомалага чиқарилган пластик карталар сони, минг дон



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183 минг дондан ошди. Шунингдек, жойларда тўловларни узлуксиз қабул қилишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 2 345 тага етди.

9-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

2015 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 31,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 37,6 фоизга ошди (10-диаграмма).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Тижорат банкларининг ресурс базасини ошириш 2015 йилда банк устав капиталини ошириш мақсадида акциядорлик-тижорат банклари томонидан жами 553,6 млрд. сўмлик акциялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилди ва уларнинг 319,6 млрд. сўмлик қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 157 млрд. сўмлик, Халқ банки томонидан 54 млрд. сўмлик акциялар чиқарилиб, инвесторлар орасида жойлаштирилди. Шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг устав капитални – 35 млрд. сўмга, «Агробанк»ники – 50 млрд. сўмга, «Микрокредитбанк»ники – 25 млрд. сўмга ва «Қишлоқ қурилиш банк»ники – 25 млрд. сўмга оширилди.

2015 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 23,3 фоизга ошиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига 7,8 трлн. сўмни ташкил этди.

11-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Умуман олганда, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жалб қилинган депозитларнинг умумий ҳажми 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 35,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2015 йил бошига нисбатан 28,0 фоизга ошди.

2-боб бўйича хулосалар

Фикримизча, мамлакатимиз банк тизимини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида қатъий

ва самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни янада кенгайтириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий резервлар талаблари ва қайта молиялаштириш ставкаларидан оқилона фойдаланишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий хусусиятлари ва унинг олдида қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Биринчидан, банк фаолиятини янада эркинлаштириш асосида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш. Бу аҳоли қўлидаги вақтинча бўш маблағларни банк бўлинмаларига жалб этиш имкониятини беради. Бу банкларнинг реал секторни кредитлаш бўйича имкониятларини янада оширади, банкларнинг корхоналар билан ҳамкорлигини кучайтиради ва натижада реал ва молиявий секторлар мутаносиблиги таъминланади.

- Иккинчидан, ҳар қандай ривожланган иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган кичик ва ўрта бизнеснинг эркин ривожланишини таъминлаш учун уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш тизимини максимал даражада соддалаштириш.

- Учинчидан, валюта муносабатларини янада эркинлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш ва миллий валютанинг ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ конвертациясига эришишдир.

**III-боб. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари
мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсатини
такомиллаштириш йўллари**

**3.1. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини
пул-кредит воситалари орқали таъминлашнинг объектив
имкониятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Бунда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини пул-кредит воситалари орқали таъминлашнинг объектив имкониятлари иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришгандагина вужудга келади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Булар жумласига барқарор иқтисодий ўсиш ва тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш, иш билан бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантириш кабиларни киритиш мумкин.

2000-2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдида иқтисодиётда ўсиб бораётган тўлов маблағларига бўлган эҳтиёжни оптимал даражада қондириш ва айни пайтда инфляциянинг монетар омиллари таъсирини чеклаш мақсадида пул массаси ўсиши суръатларини назорат қилиш масалалари турар эди. Шу билан боғлиқ равишда бу даврдаги пул-кредит сиёсати ҳукумат ва Марказий банк томонидан биргаликда қатъий чекланган курс асосида юритилиб, у ҳам молиявий тизимни барқарорлаштиришга, ҳам республика иқтисодиётининг устувор ва кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган эди.

Пул-кредит воситалари ва усуллари ислоҳ қилиш тактик ва стратегик вазифаларни ажратишга асосланади. Стратегик вазифа шаклланган бозор иқтисоди амал қилаётган мамлакатлар учун хос бўлган, пул-кредит назоратининг умумий қабул қилинган воситаларидан фойдалана бошлашдир. Ушбу мақсадга эришиш узвий равишда бир қатор босқичлар орқали амалга оширилади. Монетар тартибга солиш воситаларини такомиллаштиришни босқичларга бўлиш ўтиш даврининг муайян тарихий босқичларини ҳисобга олиш зарурати билан белгиланади.

Банк тизимининг тараққиёти аниқ белгиланган мақсад, вазифалар ва тамойилларга асосланади. Ушбу мақсад, вазифа ва тамойиллар республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнида умумиқтисодий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини кенг кўламли ислоҳ қилиш жараёнида муҳим институционал ва тузилмавий ўзгаришларга эришилди. Икки босқичли банк тизими яъни, Марказий банк ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари асосида тижорат банклари тизими ташкил этилди ва ривожланмоқда. Бундан ташқари банкларимизнинг етакчи хорижий банклар билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгаймоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан банк тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, тижорат банклари капиталлашувини янада жадаллаштириш борасидаги фармонларига мувофиқ қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида корхона ва ташкилотлар томонидан инвестицияларга бўлган талабнинг маълум даражада ўсишига эришилди.

Шунингдек, ликвидлилик устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги ва бу асосда макроиқтисодий муҳитнинг етарли даражада ривожланаётганлиги банк тизими фаолиятини нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Демак, банк тизимининг кейинги тараққиёти иқтисодиётнинг реал тармоғидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий муҳитнинг яхшиланиши билан боғлиқдир. Бундай ижобий муҳитни банк тизимига, айниқса, Марказий банк фаолиятига давлат ташкилотларининг аралашувини чеклаш ва улар мустақиллигини таъминлаш орқали вужудга келтириш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узоқ давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига

тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаklar) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкининг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банklar томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизда янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- банкрот корхоналар негизда янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

3.2. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш йўллари

Монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсиш ва бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига мувофиқ ҳолда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари ва аҳолини кредитлашни янада кенгайтириш 2016 йилда ҳам устувор вазифа сифатида давом эттирилади.

2016 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратиладиган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, жорий йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо қилиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги янги турар жойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 12 трлн. сўм миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 1,8 трлн. сўмдан зиёд миқдорда инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

2016 йилда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида асосий эътибор 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш умумий дастурини ташкил этувчи, шу жумладан:

- иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш;
- тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;
- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайтириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этишга қаратилади.

Шунингдек, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжларини маҳаллий товарлар ҳисобига тўлиқ қондириш ҳамда ушбу маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш мақсадида барча ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат

фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун истеъмор кредитлари бериш ҳажмлари ошириб борилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш

2016 йилда ўзининг кичик хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмор кредитлари бериш қўламини кенгайтириш борасидаги ишлар банк тизими фаолиятининг диққат марказида бўлади. Республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 14,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга қараганда 1,2 баробар кўп миқдорда кредит ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Ҳудудларда кредит олиш жараёнида инвестицион лойиҳалар ва бизнес-режалар пухталигини таъминлаш мақсадида маслаҳат хизматлари қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш Бунда:

– банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайтириш, иқтисодиёт субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш қўламларини кенгайтириш;

– тадбиркорликнинг бир тури сифатидаги банк фаолиятига барча кўринишлардаги ноқонуний аралашувлар ва бу борадаги қонун меъёрларининг бузилиш ҳолатлари олдини олиш;

– кредит ажратиш жараёнининг мақбул ва тезкор муддатда амалга оширилишига эришиш мақсадида банк филиалларининг кредит ажратиш борасидаги ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириш масалалари асосий мезонлардан бўлиб қолади.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш

Республикада ҳисоб-китобларнинг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини пластик карталар муомаласини кенгайтириш орқали янада такомиллаштириш, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини («Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва бошқалар) республиканинг барча ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ривожлантириш, уларнинг ишлаш сифатини ошириш устувор вазифалар бўлиб қолади.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида:

– «Электрон ҳукумат» ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш» лойиҳасини амалиётга жорий этиш доирасини кенгайтириш;

– республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобварақларни масофадан бошқариш бўйича банк хизматлари кўламини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш

Хусусан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларнинг (Базель III) босқичма-босқич жорий этилишини ва бажарилишини таъминлаш борасидаги ишлар амалга ошириб борилади.

Банк назорати самарадорлигини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари фаолиятидаги таваккалчиликларни баҳолашда халқаро андозалардан фойдаланиш ва Марказий банк томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек:

- банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш борасида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни кенгайтириб бориш;
- капиталнинг етарлилик даражасини аниқлаш мақсадида операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш услубларини янада такомиллаштириш;
- жаҳондаги етакчи ва барқарор банклар тажрибасини инобатга олган ҳолда банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилишнинг замонавий усулларини самарали қўллаш ва уни такомиллаштириб бориш;
- ликвидлилик бўйича эҳтимолий хатарларни камайтириш ва фавқулодда ҳолатларга чидамлиликини таъминлаш мақсадида доимий равишда тижорат банкларининг ликвидлилик даражаларини стресс-тестдан ўтказиш ҳамда уларнинг ривожланишини турли сценарийларда моделлаштириш;
- банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга масъул бўлган тижорат банкларининг таркибий бўлинмалари мутахассисларининг малакаларини тизимли асосда ошириб бориш;

– тижорат банкларининг депозит ва фоиз сиёсатларини тизимли равишда мониторинг қилиш, жалб қилинаётган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини асоссиз ошириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш;

– депозит амалиётларини, жумладан, банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий хатарларнинг юзага келишини камайтириш мақсадида аҳолининг омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Республика тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириб бориш, хусусан:

– корпоратив бошқарув, шу жумладан, хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усуллари етакчи хорижий банклар ҳамда молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида янада такомиллаштириш;

– банклар активлари ва кредит портфели сифатини яхшилаш, банк фаолияти билан боғлиқ хатарларни (кредит, валюта, операцион, фоиз ва бошқалар) баҳолаш тизимини янада ривожлантириш;

– таваккалчиликларга қарши барқарорликни ошириш, банклар фаолиятида назорат сифатини ва самарасини янада ошириш;

– банклар фаолиятига соғлом ва хавфсиз бўлган банк амалиётини амалга оширишни ўз ичига олган банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги таҳрирдаги «Корпоратив бошқарувнинг самарали омиллари»ни жорий этиш, малака этикаси андозаларини ўрнатиш, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш;

– банклар фаолияти бўйича ахборотлар оммавийлигини, шу жумладан, банклар веб-сайтларига йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни жойлаштириш ҳамда банк сири тўғрисидаги қонунчиликка ҳилоф бўлмаган

равишда ўрнатилган тартибдаги бошқа усуллар орқали янада ошириш ишлари давом эттирилади.

Микромолиялаш тизими ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш

Бу борада нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлаш амалиётини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Шунингдек, нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати ва барқарорлиги маҳаллий рейтинг компаниялари томонидан баҳоланишининг янгилаб борилиши таъминланади.

Республикада нобанк кредит ташкилотларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини масофадан туриб ҳамда бевосита жойларда назорат қилиш усуллари ва амалиётини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

3.3. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлашда давлат монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш истиқболлари

2016 йилда монетар сиёсат ва банк тизимида амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилади. Бунда 2016 йил учун

иқтисодий дастурнинг муҳим вазифалари ва истиқболли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

– бошланган тизимли демократик ислоҳотларни ва мамлакатни модернизациялашни, иқтисодиётдаги, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги чуқур таркибий ўзгартиришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини изчил камайтириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш;

– 2015 – 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий тадбирларини сўзсиз амалга ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш;

– қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

– ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш;

– иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш;

– иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими яратилишини тубдан тезлаштириш.

2016 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Ушбу ўсиш асосан саноат маҳсулотларини ишлаб

чиқариш ҳажмининг – 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалигининг – 6,1 фоизга ва капитал қўйилмалари ҳажмининг – 9,6 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётига йўналтириладиган жами инвестициялар миқдори 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши ёки 2015 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Бунда аввалги йиллардагидек, инвестициялар асосий қисмининг (65 фоиздан ортиғини) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, яъни янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва янги замонавий ишлаб чиқариш технологияларини харид қилишга йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил давом эттирилиши ҳисобига 2016 йилда ҳам мамлакатимиз тўлов баланси, шу жумладан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосини сақлаб қолиш мўлжалланмоқда.

2016 йилда ҳам Ҳукумат томонидан бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши аҳолининг истеъмол, шу жумладан, узоқ муддатли товар ва хизматларга бўлган талабининг ўсишида ўз аксини топади ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

2016 йилда солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳам мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозларидан келиб чиққан ҳолда бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмасликни ҳамда унинг тўлиқ ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутди. Ўз навбатида, 2016 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини

пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда жаҳон бозоридаги хомашё ва товарлар нархлари динамикаси прогнозини инобатга олиб, 2016 йил учун инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи 2015 йилдаги даражада, 5,5-6,5 фоиз доирасида белгиланмоқда.

2016 йилга мўлжалланган пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари ва параметрлари юқорида қайд этилган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида ва Давлат бюджети параметрларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди. Жорий йилда монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк томонидан асосий эътибор инфляция даражасини белгиланган мақсадли параметрлари доирасида бўлишини ҳамда банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилади. Бунда 7,8 фоизлик ялпи ички маҳсулот ўсишининг пулга бўлган реал талабини инобатга олган ҳолда 2016 йилда ўртача пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 0,7 фоиз бандгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, 2016 йилда пул массасининг ошишида тижорат банклари томонидан иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг кенгайтирилиши ҳамда мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ҳисобига банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

2016 йилда ҳам Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга солишда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланади ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириб бориш бўйича ишларни давом эттиради. Бунда асосий эътибор инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини ва иқтисодиётда пулга бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлашга қаратилади. Шу билан бирга, банк тизимида ликвидлик танқислиги вужудга келишининг олдини олиш ва аксинча, тизимдаги ортиқча ликвидликнинг иқтисодиётда инфляцион босимнинг кучайишига олиб келишига йўл қўймаслик мақсадида банк тизими

ликвидлигининг энг мақбул даражада бўлишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб борилади.

Хусусан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг таъминланиши ва Давлат бюджетининг кўзда тутилаётган (1 фоиз) тақчиллик билан ижро этилиши натижасида банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцияга таъсири олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкдаги муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади. Шунингдек, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни йўналтирилишининг давом эттирилиши пул массаси ўсишининг олдини олишга ва уни белгиланган мақсадли кўрсаткич доирасида ушлаб туришга хизмат қилади.

2016 йилда ҳам инфляция даражаси 2015 йилдаги каби 5,5-6,5 фоиз доирасида прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, қайта молиялаш ставкасини 9 фоиз даражасида қолдириш кўзда тутилмоқда. Қайта молиялаш ставкасининг 9 фоиз даражасида сақлаб қолиниши инфляция даражасини белгиланаётган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш учун қулай шароит яратади. Ўз навбатида, Марказий банк, зарур ҳолларда, тижорат банкларидан хорижий валюталарни (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг) белгиланган муддат ва алмашинув курсида қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш (СВОП операциялари) ёки хорижий валюталарни гаровга олган тарзда қайта молиялаш кредитларини бериш операцияларини амалга ошириб боради.

Бундан ташқари, пул массасининг ва пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгариш динамикасида ҳамда тижорат банклари

томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий резервлар нормаси зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

2016 йилда ҳам валюта сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор миллий валюта барқарорлигини таъминлашга ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантиришга қаратилади. Бунда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсини белгиланган коридор доирасида босқичма-босқич девальвация қилиб бориш орқали мамлакатимиз экспортёрлари рақобатбардошлигининг ошиши таъминланади. Ўз навбатида, сўмнинг алмашув курси кескин тебранишининг олдини олиш ва унинг белгиланган коридор доирасида бўлишини ҳамда ички валюта бозоридаги барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий банк банклараро валюта бозоридаги операцияларда фаол иштирок этиб боради.

Умуман олганда, юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг уйғунликда амалга оширилиши ва монетар сиёсат инструментларининг такомиллаштириб борилиши Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир каналларини кучайтиришга, банк тизими ликвидлигини таъминлашга ва пул бозорида ижобий фойиз ставкаларининг шаклланишига хизмат қилади.

2016 йилда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-51-III-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар

Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилади. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

2016 йилда банк тизими жами капиталини қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда бу соҳага хусусий капитални кенгроқ жалб қилиш орқали камида 20 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

- юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдорини 25 фоизга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган барча тижорат банкларининг устав капиталида хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва депозитларига, айниқса, узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ва бунда миждозлар талабларини инобатга олган ҳолда омонатларнинг янги, жозибадор турларини жорий қилиш ҳамда инновацион депозит дастурларини ишлаб чиқиш;
- депозитларни жалб қилишда уларнинг айланиш муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

– қарз қимматли қоғозларини, жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда субординар қарзлар жалб қилиш ишлари фаол амалга ошириб борилади.

Шунингдек, 2016 йил давомида ҳар чоракда соф фойда ҳисобидан тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасига ажратмаларни йил давомида 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилмоқда.

3- боб бўйича хулосалар

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан банк тизимида катта эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек, тижорат банклари капиталлашувини янада жадаллаштириш борасидаги фармонларига мувофиқ қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида корхона ва ташкилотлар томонидан инвестицияларга бўлган талабнинг маълум даражада ўсишига эришилди.

Шунингдек, ликвидлилик устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги ва бу асосда макроиқтисодий муҳитнинг етарли даражада ривожланаётганлиги банк тизими фаолиятини нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Демак, банк тизимининг кейинги тараққиёти иқтисодиётнинг реал тармоғидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда макроиқтисодий муҳитнинг яхшиланиши билан боғлиқдир. Бундай ижобий муҳитни банк тизимида, айниқса, Марказий банк фаолиятига давлат ташкилотларининг аралашувини чеклаш ва улар мустақиллигини таъминлаш орқали вужудга келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати мамлакатда ЯИМ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, бундан кейин ҳам ички ва ташқи молия бозорларидаги ўзгаришларни инобатга олиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларини кенг қўллаган ҳолда қатъий пул-кредит

сиёсатини юритиш лозим. Бунда монетар сиёсат инструментларининг самарадорлигини янада ошириш ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг пул бозори ҳолатига таъсирини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодийни барқарор ривожланиши мамлакатда моддий ишлаб чиқариш соҳалари учун яратилган ҳуқуқий-меърий шароит билан узвий боғлиқдир. Реал сектор ривожига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, илмий-техник тараққиёт даражаси, пул-кредит тизими ҳолати, солиқ-бюджет тизими, давлатнинг инвестицион сиёсати, мамлакатнинг тўлов қобилияти ҳолати таъсир қилади. Реал сектор ривожини моддий ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга йўналтирилган тўғридан тўғри капитал қўйилмалар миқдори ҳамда инновациялар таъминлайди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлаш ва энг мақбул даражада сақлаб туриш ўта муҳим масаладир. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодийни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намोён этмоқда.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бироқ тармоқларни модернизациялаш ва қайта технологик жиҳозлаш бўйича олиб борилган тадбирларда, уларнинг бажарилишида ва корхоналарни ривожлантиришда бир қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Жумладан: жаҳонда вужудга келган молиявий-иқтисодий инқироз ва хомашё нархининг кўтарилиши натижасида инвестиция маблағларининг белгиланган тадбирларни қопламаслиги; хорижий давлатлардан ажратиладиган кредит лимитларининг чегараланганлиги,

шунинг учун дастурдаги белгиланган инвестицияларни ўзлаштириш масалаларининг қайта кўриб чиқилиши; пудратчилар томонидан бажариладиган ишни жуда қиммат баҳога белгиланиши, ажратиладиган маблағлари бу ишларни қопламаслиги сабабли, ишни бажариш учун маблағни ўзлаштирилмаганлиги ва шу кабилардир.

Фикримизча юқоридаги муаммоларни ҳал этишда реал ва молиявий секторлар мутаносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Муаммони ўрганиш ва қилинган хулосалар қуйидаги таклифларни киритишга имкон беради ва ушбу вазифалар берилган таклифлар асосида қисман ўз ечимини топади деб ҳисоблаймиз.

- молия тизимида тўпланган маблағларни реал сектор корхоналарини молиялаштиришга йўналтиришни кенгайтириш ва уларнинг барқарор ривожланишига замин яратиш;

- реал сектор корхоналарига кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш салмоғини ўстириш; – банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

- ички ва ташқи молия бозорларидаги ўзгаришларни инобатга олиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларини кенг қўллаган ҳолда катъий пул-кредит сиёсатини юритиш;

- илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш

- банкларнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш қўламларини янада кенгайтириш;

- мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олинishi ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришиш;

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш Бунда:

- банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайтириш, иқтисодий субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш,

кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш;

– иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими яратилишини тубдан тезлаштириш;

– банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш;

– депозитларни жалб қилишда уларнинг айланиш муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

– инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни амалга ошириш орқали қуйидаги иқтисодий-ижтимоий самараларга эришилади:

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдор ҳамда сифат жиҳатидан ўсади;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакат экспорт салоҳияти ўсади.

Фикримизча, мамлакатимиз банк тизимини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида қатъий ва самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, иқтисодиётнинг реал секторини

кредитлашни янада кенгайтириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий резервлар талаблари ва қайта молиялаштириш ставкаларидан оқилона фойдаланишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 406.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида. №ЎРҚ-341 2012 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. №ЎРҚ-328. 2012 йил 2 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Рақобат тўғрисида. №ЎРҚ-319. 2012 йил 6 январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 март ПФ-4707 — сонли “2015—2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш чора-тадбирларини таъминлаш тўғрисида.”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 май ПФ 4725-сонли "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008. - №46. – Б. 3-4.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сонли “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисида Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 феврал ПҚ 2302-сонли «“Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури тўғрисида Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 феврал ПҚ 2133-сонли «Соғлом бола йили» давлат дастури тўғрисида Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 6 августдаги ПҚ-2020 сонли "2013 - 2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл - транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрь ПҚ-1442 сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрь ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ-1072-сонли “2009 – 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июнь ПҚ-646-сонли “2007–2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қйта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги Қарори.

13. 2009–2012 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури”.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни Республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида. 2013 йил 29 январь, ПҚ-1913-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида. 2011 йил 12 декабрь, 324-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2012 йил 23 август, 252-сон
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012-2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2012 йил 2 август, 234-сон.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова. Маҳсулотларнинг монопол турларини товар-хом ашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2011 йил 21 июнь, 185-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 28 январь.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлилигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори 2009 йил 29 январь.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари.

1. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” .2015-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. –“халқ сўзи”, 2016 й, 17 январь.
2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январь.
3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январь.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - 2012 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

5. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2013 йил 6 декабрь.

6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.

7. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

8. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// Халқ сўзи, 2010 йил 7 декабрь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2010 йил 20 октябрь.

10. Мамлакатни демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2010 йил 13 октябрь.

11. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. –Т: Ўзбекистон, 2009.

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

16. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

17. Каримов И.А. Мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш – тараққиёт омили. - Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
18. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
19. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
20. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

III. Дарсликлар

1. Вахабов А.В, Разыкова Г. “Модернизация экономики” Учебник.- /Издательство “IQTISOD-MOLIYA”, 2014.
 2. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодий назарияси (дарслик). – Т., «Иқтисод-молия» нашриёти, 2010 – 726 б
 3. Shodmonov Sh.Sh., G’afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Iqtisod-moliya» nashriyoti, 2010. – 646 б.
 4. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик /Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Шарқ”, 2010 – 804 бет.
 5. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П. Банковское дело. Учебник.– М.: Финансы и статистика, 2006. – 592 стр.
- 3.Международные валютно-кредитные и финансовые отношения:
Учебник. / Под.ред. Л.Н. Красавиной. М.: «Финансы и статистика», 2008.
576с.
6. В.Д.Камаев, М.З.Ильчиков, Т.А.Борисовская. Экономическая теория. Краткий курс: учебник. – М.:КНОРУС, 2012. – 384 стр.
 7. Камаев В.Д., Ильчиков М.З. Экономическая теория. учеб. М.: КНОРУС, 2012. – 587с.
 8. Нуреева. Р.М. Национальная экономика: учеб. М.: ИНФРА – М, 2010. – 655с.

9. Экономическая теория / под.ред. Добрынина А.И., Трасевича Л.С. учеб. СПб.: Питер, 2010. – 560с.
10. Камаев В.Д. Экономическая теория: Краткий курс: учебник – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2007. – 384 с.
11. Курс экономической теории: учебник / Под общ.ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – 6-исправленное, дополненное и переработанное издание. – Киров: «АСА», 2007. – 848 с.
12. Курс социально-экономической статистики. Учебник. Под ред. проф. М.Г. Назарова. М: информ Финстат., ЮНИТИ-ДАНА, 2000, с. 576.
13. Сиденко А.В., Матвеева В.М. Международная статистика. Учебник. М: «Дело и Сервис» 2002, с.141.

IV.Ўқув қўлланмалар

1. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. с. 42.
2. Абулқосимов Ҳ.П. Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. / ЎзР Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: 2012. – 37 б.
3. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2010.-183-189 б.
4. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2008. – 128 б.
5. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.
6. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида. Т.: ТДИУ, 2007.

7. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007.
8. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. 272с.
9. Носова С.С. Экономическая теория. Дистанционное обучение: учебное пособие / С.С.Носова. – М.: КНОРУС, 2008. – 256 с.
10. Сажина М.А. Экономическая теория: учеб.для вузов / М.А.Сажина, Г.Г.Чибриков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2007. – 672 с.
11. Симкина Л.Г. Экономическая теория. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с
12. Станковская И.К., Стрелец И.А. Экономическая теория: учебник / И.А.Стрелец. – 3-е изд., испр. – М.: Эксмо, 2008. – 448 с.
13. Экономическая теория / Под ред. А.И.Добрынина, Л.С.Тарасевича, 3-е изд. – СПб.: Изд. СПбГУЭФ; Питер, 2008. – 544 с.
14. Экономическая теория: учебное пособие / В.М.Соколинский, В.Е.Корольков [и др.] ; под ред. А.Г.Грязновой и В.М.Соколинского. – 4-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2008. – 464 с.

V.. Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар

1. М.Амонбоев. Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш. Монография. ТДИУ. –Т.: Иқтисодий, 2011. - 156 бет
2. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истикболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. Т.: 2010.

3. Салимов Б., Юсупов М. Аграр тармоқнинг рақобатбардорлигини ошириш ва жаҳон озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув. Иқтисодий ва таълим. Т.: 2012 й, №5
4. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодий ва таълим, 2011 й., 5-сон.
5. Ш. Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т, 2011, 363-бет.
6. Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдирот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.
7. У.Бурханов. Давлат хариди. Илмий рисола. Info COM.UZ. МЧЖ нашриёти. Т.2010., 160 бет.
8. Шадманов Э.Ш. Мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлашнинг давлат механизмлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – №11. – Б.33-34.
9. Г.Г.Фетисов. Монетарная политика и развитие денежно-кредитной системы России в условиях глобализации: национальный и региональные аспекты. М.: “Экономика” – 2006.
10. Ким. В. Махмудов Н. Категории оценки уровня жизни населения // Бозор, пул ва кредит.- Тошкент, 2009. № 11, 55-56-б.
11. Иранская модель модернизации // Международная экономика и международные отношения №7, 2008. С. 69-72.

12. Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики // Международная экономика №11, 2010. С. 45.

13. Фитуни Л., Абрамова И. Закономерности формирования и смены моделей мирового экономического развития // Мировая экономика и международные отношения № 7, 2012. С.4.

VI. Статистик маълумотлар тўплами

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил статистик ахборотномаси, Т., 2015.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил статистик ахборотномаси, Т., 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил статистик ахборотномаси, Т., 2013.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил статистик ахборотномаси, Т., 2012.

VII. Интернет сайтлари

1. www.stat.uz
2. www.uza.uz
3. www.ceep.uz
4. www.internetindicators.com
5. www.uzreport.com
6. www.uzsecurities.com
7. www.uzexport.com
8. <http://gov.uz>

